Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 27-yanvar, seshanba, № 13 (3518)

Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгариш-ларнинг ишончли кафолати.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

2015 йилнинг 23 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури тақдим этилди

Жорий йил 16 январда ўтказилган 2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан 2015 йилда ва кейинги йилларда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди. Янги таркибдаги Ҳукуматнинг асосий эътибори қаратилиши лозим бўлган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни амалга ошириш механизмлари чуқур очиб берилди. Жумладан, қуйидаги энг муҳим ва долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Биринчидан, таркибий ўзгартиришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш учун бу йўлдаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, ушбу соҳа ривожига тўлиқ эркинлик бериш.

Учинчидан, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини танқидий баҳолаш, уни стратегик ва иқтисодий асосланган даражагача қисқартириш.

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, шунингдек, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларни жорий этиш.

Бешинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш.

Олтинчидан, ривожланган инфратузилмани, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини яратиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш.

Еттинчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу стратегик вазифалар Ҳукуматнинг Ҳаракат дастурига асос ва пойдевор ҳисобланади. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига таянган ҳолда, 2015 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш — Ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қайд этилган муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат бир қатор дастурий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқишни ва уларни яқин муддатларда тасдиқлаш учун киритишни таъминлайди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бирида иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилади.

Биринчи устувор вазифани амалга ошириш учун — **иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни амалга ошириш доирасида** — саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилмоқда.

Дастурнинг принципиал тарзда ажралиб турадиган жиҳати шундаки, экспортга мўлжалланган, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган маҳсулот турларини аниқлаш ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини жадал ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Булар жумласига тайёр тўқимачилик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар, полимерлар ва углеводородларни чуқур қайта ишлаш орқали олинадиган бошқа маҳсулотлар, электр-маиший ва электрон товарлар, маиший кимё товарлари, замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати маҳсулотлари киради.

Бундай кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистонда етарлича тажриба, ресурс ва имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз Президентининг ташаббусига кўра, сўнгги йилларда республикамизда бир қатор ноёб, илғор технологияларга асосланган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган саноат корхоналари барпо этилди. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, “Женерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон” қўшма корхонаси, Устюрт газ-кимё комплекси, Самарқанд вилоятидаги оғир юк автомобиллари заводи, замонавий буғ-газ энергоблоклари ва иссиқлик электр станциялари, шунингдек, бошқа бир қатор лойиҳалар шулар жумласидандир.

Республикада ушбу ўта мураккаб лойиҳаларни амалга оширишда тўпланган илмий-техник, муҳандислик-ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳият энг илғор технологиялар жорий этиладиган янги, техник жиҳатдан янада мураккаб бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг узоқ йиллар мобайнида рақобатдош бўлиб қолишининг кафолати ҳисобланади.

Ана шу орттирилган тажрибани нафақат саноатнинг базавий тармоқларида, балки бошқа соҳаларда ҳам, энг аввало, қайта ишлаш саноатида кенг қўллаш лозим бўлади. Бунинг учун ташкил этиладиган ишлаб чиқариш объектларига профессионал ва стратегик хорижий инвесторлар ҳамда энг илғор технологияларга эга бўлган компаниялар жалб этилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра дастурни амалга ошириш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

– машинасозлик, кимё, нефть-газ-кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар жадал ривожлантирилади. Бунинг натижасида саноат маҳсулотларининг 1000 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади;

– саноат ишлаб чиқаришининг 5 йилда 1,5 баробарга ўсиши, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 24 фоиздан 2020 йилга бориб 27 фоизгача ортиши мўлжалланмоқда;

– юқори технологияли маҳсулотлар экспортини янада ошириш ва 52 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратиш назарда тутилмоқда.

Саноатни ривожлантириш борасидаги яна бир устувор вазифа — бу ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобланади.

Маҳаллий хомашё ва материалларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажмини оптималлаштириш мақсадида 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш дастури тайёрланмоқда.

Дастур маҳаллий минерал хомашёни чуқур қайта ишлашни ва талаб юқори бўлган 1225 та маҳсулот турини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 600 та лойиҳани ўз ичига олади. Дастурнинг ижроси ҳар йили 3,5 миллиард доллар миқдоридаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва 13 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Республика Ҳукумати иқтисодиётни изчил ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим асоси сифатида **хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир устувор вазифаларни амалга оширишга** алоҳида эътибор қаратади.

Ана шу мақсадда Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

●○●● ▶ 2

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙМОҚДА

Навоий шаҳридаги “Heating Radiators” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган уй ва офислар учун алюминий иситиш батареяларига истеъмол бозорида талаб ортиб бораётир.

Элликка яқин ишчи меҳнат қилаётган корхона ўтган йили 6 миллиард 500 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш мўлжалланмоқда. Бизнес режага кўра, 2015 йилда қўшимча замонавий технологиялар келтирилади ва ўндан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Суратларда: корхона ишчилари Муҳаммадали Хушбеков, Аброр Нурматов, Озод Рустамов.

ЎзА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар

Сарҳисоб

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация Кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йиғилишда касаба уюшма органларининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинди. Асосий эътибор ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини касаба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини тўлиқ таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва уларнинг натижаларига қаратилди.

Йиғилишда мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат бугун ўзининг ижобий натижаларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган такомиллаштириш ишлари натижасида бу жараёндаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, бугунги кунда касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг 96 фоиздан зиёди жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди. Шунингдек, жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилаётган қўшимча имтиёзлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Натижада, мазкур локал ҳужжатлар орқали ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадлари оширилаётир. Айниқса, оилавий тадбиркорликда банд бўлган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳам меҳнат қонунчилиги ҳамда жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар билан қамраб олиш, бу орқали улар даромадларини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенгаш Мажлисида ҳисобот йилида касаба уюшмалари томонидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларнинг, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиш борасидаги қизиқишлари қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда касаба уюшмалари томонидан янги иш ўринлари ташкил этиляпти. Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг ишга жойлашиши ва иш жойларида қўнимлилиги таъминланиши бўйича тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар томонидан ҳар ойда 10 та корхона ва ташкилотда мониторинг ўтказилишининг йўлга қўйилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминламоқда.

Шунингдек, 2014 йил давомида касаба уюшмалари тизимида ташкил этилган корхона ва ташкилотларда жами 175 та янги иш ўрни яратилди. Шу жумладан, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида хотин-қизлар учун иш ўринларини яратиш лойиҳаси амалга оширилиб, тикувчилик цехлари фаолияти йўлга қўйилди ва уларда 60 дан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланди. Жойларда эҳтиёжманд оилалар вакиллари бўлган 1 минг 960 нафар хотин-қиз 1 млрд. сўмликдан ортиқ электр маиший техника жиҳозлари билан таъминланди.

●○●● ▶ 2

Раёсат йиғилиши

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди. Йиғилишда дастлаб кун тартибидан ўрин олган биринчи масала — Андижон вилоятидаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари таҳлил этилди.

ИЗЧИЛЛИК — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўрганиш якунларига кўра ўтган йил давомида 49 та корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига риоя этилишини ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилган. Зарарли меҳнат шароитларида банд ходимларга сут маҳсулотлари ҳамда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг бепул берилиши таъминланган. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, шаҳар, туман ҳамда вилоят миқёсида “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзусига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилиб, меҳнат муносабатлари соҳасидаги кўплаб масалалар жойида ҳал этилишига эришилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят бирлашмаси кенгаши томонидан фуқароларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва “Касаба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби” талаблари асосида кўриб чиқилмоқда. Ҳисобот даврида бирлашма кенгашига фуқаролардан келиб тушган 75 та ёзма ва 119 та оғзаки, “Ишонч телефони” орқали 22 та мурожаатга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини касаба уюшмаларига жалб этиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини тўлиқ таъминлаш борасидаги ишлар аниқ режа-тақсимотлар асосида олиб борилмоқда.

Йиғилишда вилоятда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим тармоқ касаба уюшмалари фаолиятидаги оқсоқликларни бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — “Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятдаги меҳнат жамоаларида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан мунтазам равишда “Маънавият соатлари” ўтказилиши йўлга қўйилган. Уларда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсиялари ҳамда намунавий мавзулар асосида меҳнаткашлар, айниқса, ёшларга мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Давлат дастурлари, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти етказилмоқда. Жумладан, ҳар ойда 2400 га яқин корхона ва ташкилотларда ўтказилган “Маънавият соатлари”да 385 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимлар иштирок этган. Бундан ташқари, ходимлар ўртасида маънавиятни юксалтириш, миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз ва маданий меросимиз ҳамда соғлом турмуш тарзига оид мавзуларда суҳбат ва мулоқотлар ўтказилган.

●●○● ▶ 3

2015-yil 27-yanvar, seshanba, № 13 (3518), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Дастур қуйидагиларни назарда тутади: бизнес юритиш шарт-шароитларини янада эркинлаштиришни жадаллаштириш; давлат органларининг хусусий бизнесга ноқонуний аралашуви ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш; бу йўлдаги барча тўсиқларни ва асоссиз чеклашларни бартараф этиш; очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали кичик бизнеснинг моддий ва хомашё ресурсларидан, кредит ва молиявий механизмлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш.

Давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуви ва хусусий тадбиркорлик учун тўсиқлар яратиши, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатлари бузилиши юзасидан уларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тадбиркорлар манфаатини судлар томонидан ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга доир таклифлар тайёрланади.

Рўйхатдан ўтказиш ва рухсатномалар олиш механизмларини "ягона дарча" тамойили асосида янада соддалаштириш масалалари асосий диққат-эътибор марказида бўлади. Бунинг учун ҳар бир туманда Тадбиркорлар учун ягона марказ ташкил этиш таклиф этилмоқда. Унинг асосий вазифаси — мулкка бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш, бизнес субъектларига ер участкалари бериш, қурилиш ва объектларни инфратузилма тармоқларига улаш билан боғлиқ бўлган рухсатномалар ва тартиб-қоидаларни соддалаштириш ва арзонлаштиришдан иборат.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш учун 2015-2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастурини шакллантириш якунланмоқда. Ушбу Дастур қуйидагиларни назарда тутади:

– тўла қувват билан ишламаётган 660 тадан кўпроқ давлат корхонасини тугатиш ва очиқ савдо орқали янги хусусий мулкдорлар тасарруфига ўтказиш;

– стратегик аҳамиятга эга бўлмаган 360 та корхонадаги давлат улушини тўлиқ равишда сотиш;

– фойдаланилмаётган 400 тадан ортиқ давлат мулки объектини "ноль" қиймати бўйича сотиш. Бу, ўз навбатида, қисқа муддатларда стратегик хорижий инвесторлар ва замонавий технологияларни жалб этиш имконини беради;

– хусусий инвесторларга 450 миллиард сўмлик қўшимча акцияларни фонд бозорида сотиш орқали ишлаб турган 203 та корхонадаги давлат улушини 51 фоизгача қисқартириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Дастурни амалга ошириш натижасида давлат мулки бўлган қарийб 1000 та объект очиқ савдоларда сотилади, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар сони эса 534 тадан 147 тагача, яъни 3,6 бараварга камаяди.

Корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш бўйича энг муҳим устувор йўналишни амалга ошириш мақсадида мулк таркибида давлат улуши бўлган 1100 тадан ортиқ акциядорлик компанияси ва бошқа хўжалик бирлашмалари фаолиятининг самарадорлигини танқидий кўриб чиқиш ҳамда бу соҳада Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган менежмент тизимлари асосида янги услуб ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мўлжалланмоқда.

Корпоратив бошқарув тизимида тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида давлат улушига эга бўлган акциядорлик компанияларининг янги намунавий ташкилий тузилмаси ва уларнинг ходимларига қўйиладиган талаблар тасдиқланади ҳамда вазифалари белгиланади.

Бундан асосий мақсад — бошқарув ходимлари ва мутахассислар лавозимлари номи ва функционал вазифаларини ўзгартирибгина қолмай, балки уларнинг фаолият кўрсатиш тамойилларини тубдан ўзгартиришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, ривожланиш учун ўзаро ҳамкорлик ва ташаббускорликка янги туртки беради.

Навбатдаги муҳим вазифа — бугунги кунда аксарият ҳолларда эскича маъмурий-буйруқбозлик усулида корхонани бошқараётган самарасиз директорлик корпусидан батамом халос бўлиш. Бундан мақсад — корхоналарни бозор иқтисодиётини чуқур биладиган ва юксак профессионал малакали янги менежерлар бошқаришига эришишдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш Ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлади.

Ҳозирги вақтда бу борадаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттиришга, илғор агротехнологияларни жорий этишга, соҳани комплекс механизациялаш ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилган ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Республикамиз фермерлари билан жойларда бўлиб ўтган учрашувларда ва Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга ошириш масалалари бўйича халқаро конференцияда давлатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ 2015-2019 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмоқда. Дастур ҳосилдорлиги паст бўлган ғўза майдонларини қисқартириш, бўшайдиган ерларга мева-сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинларини жойлаштириш, интенсив боғлар барпо этиш ҳисобига экин майдонларини босқичма-босқич оптималлаштиришни назарда тутади. Селекция ва уруғчиликни янада ривожлантиришга, шу жумладан, ғўза ва дон экинларининг янги, юқори самарали, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

Деҳқон ва фермерларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий техникалар билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида "Ўзагросаноатмашхолдинг" компанияси корхоналарида "Клаас", "Лемкен" ва бошқа етакчи компаниялар билан ҳамкорликда замонавий, юқори самарали тракторларни, модернизация қилинган пахта териш машиналари, ғалла ўриш комбайнларини ва бошқа техникаларни ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг муҳим асоси ва кафолати сифатида суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга Ҳукумат алоҳида эътибор қаратади. 2013-2017 йилларда Суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш изчил давом эттирилади. Дастур ирригация иншоотлари комплексини қуриш ва реконструкция қилишни ҳамда янада замонавий, энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар ўрнатишни назарда тутади. Бундан мақсад — 5 йил давомида 1 миллион 400 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.

Сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ишларини давом эттириш, жумладан, боғлар ва узумзорларни томчилатиб суғориш тизимларини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ҳар йили 1 миллиард кубометргача сувни тежаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш — навбатдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда озиқ-овқат саноатида 391 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, камида 1 миллион 300 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳажмига эга бўлган 2 мингдан ортиқ замонавий совутиш камераларини қуриш, сақлаш жойларининг умумий ҳажмини 2 миллион тоннагача етказиш назарда тутилмоқда. Айни вақтда ўзаро боғланган логистика тизими ривожлантирилади.

Аграр соҳада кўрсатиб ўтилган ва бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2015-2019 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан республиканинг ўзини-ўзи таъминлаши, шунингдек, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ушбу маҳсулотлар экспортини сезиларли ошириш таъминланади.

Мамлакатимизда **ахборот-коммуникация тизимини, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича устувор йўналишни** амалга ошириш доирасида барча инфратузилма соҳаларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунинг ҳисобидан ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқариш харажатларини камайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Транспорт коммуникацияларнинг узоқлиги ва денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги Ўзбекистон учун жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги вақтда ташқи савдо камида 2-3 та давлат ҳудуди орқали транзит йўли билан амалга оширилмоқда. Натижада, юкларни етказиб беришнинг қиймати ошмоқда, бу эса республикадаги корхоналар экспортининг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурида, энг аввало, автомобил ва темир йўлларни, логистика марказлари ва коммуникацияларни янада ривожлантиришга доир аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Бу борада умумий қиймати 10 миллиард долларлик 150 тадан ортиқ лойиҳани амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакат темир йўл коммуникациясини ривожлантириш ва электрлаштириш бўйича 13 та лойиҳа, жумладан, Ангрен — Поп, Мароқанд — Қарши, Қарши — Термиз, Мароқанд — Бухоро йўналишлари бўйича лойиҳаларни белгиланган муддатда бажариш алоҳида назоратга олинади.

Ўзбекистон миллий автомагистралининг 1 минг 800 километр узунликдаги участкаларини, Қарши, Қўқон, Тошкент, Бухоро, Гулистон шаҳарларини айланиб ўтувчи янги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни модернизация қилиш таъминланади.

Ҳукумат инфратузилмани ривожлантириш доирасида 2013-2020 йилларда миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан назоратни кучайтиради. Бу дастур барча ҳудудларнинг, шу жумладан, олис ва чекка ҳудудларнинг рақамли телевидение тизимига тўлиқ ўтишини тугаллаш, республика ҳудудларини мобил алоқа билан қамраб олиш даражасини 80 фоиздан 95 фоизгача ошириш имконини беради. «Электрон ҳукумат» тизими ва Интернетнинг самарали ишлаши учун ишончли техник база таъминланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда Ҳукуматнинг асосий эътибори аҳоли бандлигини, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича устувор йўналишни амалга оширишга қаратилади.

Биринчи навбатда, бу иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ҳар йилги дастурларни ишлаб чиқишни кўзда тутади. 2015 йилда 1 миллионга яқин, жумладан, қишлоқ жойларда 604 мингта янги иш ўрни ташкил этиш зарур. Асосий мақсад — корхоналарнинг аниқ буюртмалари асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш дастурига мувофиқ касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг ҳар бир битирувчисини ўзи танлаган мутахассислигига кўра ишга жойлаштиришни таъминлашдан иборат.

Глобал товар бозорларидаги ноаниқлик ва беқарор вазиятни, кўплаб йирик мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайгани ҳамда бошқа жиддий таҳдидларни эътиборга олиб, Ҳукумат ўз фаолиятини қандай мураккаб шароитларда амалга ошириши кераклигини яхши англайди. Шунинг учун 2015 йилдаги энг муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш билан бир пайтда бир қатор мақсадли вазифаларнинг бажарилиши — республика Ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида бўлади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз энг авж олган пайтда — 2008 йилда мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва ўз вақтида қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури ўзининг нақадар тўғри ва самарадорлигини ҳар томонлама исботламоқда. Шунинг учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича ўзини оқлаган чора-тадбирлар ва механизмлардан фойдаланиш масалалари устувор вазифа сифатида сақланиб қолади.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини замонавий компютер ва ўқув-лаборатория ускуналари билан тўлиқ жиҳозлашни янада жадаллаштириш, талаб юқори бўлган, бугунги ёшларимиз учун зарур билимлар ва фанларни, жумладан, ахборот технологияларини, чет тилларини, тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш амалиёти янада кенгайтирилади.

Шу билан бирга, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик Кенгашининг умумтаълим мактабларида 1 минг 700 та замонавий спорт зали қуриш ва жиҳозлаш ҳамда 153 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабини ва ихтисослашган олимпия захираси мактабларини асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминлаш борасидаги қарорлари ижросини амалга ошириш лозим бўлади.

Шунингдек, Она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий моделини амалда татбиқ этиш, асосан профилактик тадбирларга ўтиш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини жорий қилиш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Қишлоқ врачлик пунктлари иши самарадорлигини оширишга, тиббиёт муассасаларини замонавий даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозлашни жадаллаштиришга ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилади.

Аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, жумладан, сифатли ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, замонавий санитария-тозалаш тизими билан таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш, шунингдек, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасидаги муҳим масалалар ҳам Ҳукуматнинг доимий диққат-эътиборида бўлади. Республика аҳолиси турмуш маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тугалланади ва тақдим этилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича ўзини амалда тўлиқ оқлаган, зарур ижтимоий ва бозор инфратузилмаси шакллантирилган, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш давом эттирилади ва унинг кўламлари янада кенгайтирилади.

2015-2016 йиллар мобайнида 25 мингта намунавий уй-жойни ва барча замонавий инфратузилмага эга шинам қишлоқ массивларини ўз вақтида ва сифатли қуришни таъминлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ишлаб чиқилаётган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида чора-тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Барқарорлик, хавфсизлик, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий адолат принципларига амал қилишни таъминлаш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг муҳим вазифалар, шак-шубҳасиз, Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар борасидаги устувор вазифаларнинг самарадорлиги Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. Шу сабабли маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолдиқларини ва эскирган бошқарув усулларини қатъий бартараф этиш, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштирилишини таъминлаш муҳим вазифа сифатида қўйилади.

Шу муносабат билан Ҳукумат маъмурий тартиб-қоидалар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тегишли таклифларни тайёрлайди ва Парламентга киритади. Ушбу таклифлар ижро этувчи ҳокимият органлари ишида замонавий усулларни жорий этишни, ички идоравий назорат механизмини кучайтиришни, қабул қилинаётган қарорлар натижадорлиги учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишни назарда тутади.

Юқорида билдирилган энг муҳим вазифаларни ва Ҳаракат дастурини амалга ошириш — республика Ҳукуматининг ҳар бир аъзосидан ҳамда барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида янги самарали ва замонавий ёндашувларни талаб этади. Шу билан бирга, пировард натижаларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулияти янада ортади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг изчил ва барқарор ривожланиши ва равнақ топиши юзасидан мамлакат Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан белгилаб берилган стратегик вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, улар учун тегишли меҳнат шароитлари яратиб бериш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш борасида касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масалалар юзасидан Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ҳисоботлари эшитилди. Кичик бизнес субъектларига ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудий касаба уюшмалари қошида ташкил этилган "Услубий марказ"лар фаолиятини кучайтириш бўйича ҳудудий бирлашмаларга аниқ вазифалар юклатилди.

Юрт фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган деҳқонлар, фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, рағбатлантириш ишларини янада юқори сифат кўрсаткичларига олиб чиқиш юзасидан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши олдига тизимли вазифалар қўйилди.

Шунингдек, ижтимоий меҳнат соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг иштироки, касаба уюшмалари, давлат идоралари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бошланғич ташкилотларнинг ўқув-услубий таъминотини, кучайтириш, кадрлар ва фаоллар малакасини оширишнинг янги, замонавий усулларини жорий этиш, халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама ҳамкорлик кўламини кенгайтириш йўналишидаги ишлар ҳам таҳлил этилди. Касаба уюшмалари тизимида маданий-маърифий йўналишдаги ишлар, спорт тадбирларининг сифат ҳамда самарасини ошириш, ички ва тиббий туризмни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли дам олдириш ва соғломлаштириш, тизимдаги санаторий ва оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар муҳокама этилиб, галдаги вазифалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

Йиғилишда Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари фаолиятининг 2015 йилдаги устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Якунда муҳокама этилган барча масалалар ва Республика касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифаларнинг самарали ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари.

"Ishonch" фотомухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

2015-yil 27-yanvar, seshanba, № 13 (3518), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Таъкидлаш зарурки умумхалқ байрамлари ва муҳим саналар муносабати билан ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда ишчи-ходимларга, айниқса, ёшларга мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқлардан фахрланиш, бугунги кунга шукроналик туйғуларини сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилаётган “Санъатим сенга, обод юртим!”, “Унутилмас оҳанглар”, “Истиқлол ғунчалари” кўрик-танловлари бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Касаба уюшмалари — болаларга”, “Касаба уюшмалари — талабаларга”, “Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда”, “Касаба уюшмалари — фахрийларга” каби доимий акциялар эса ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш билан бирга юртга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил давомида вилоятда 2703 нафар меҳнаткашлар, ижтимоий ҳимояталаб оила вакилларининг мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига ҳамда вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди. Бундай тадбирлардан кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳамда иқтидорли болалар ҳам баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, улар учун маданият ва истироҳат боғларига саёҳатлар ташкил этилди.

ИЗЧИЛЛИК — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар Раёсат йиғилиши иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Қайд этилганидек, Давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш борасида ўтган йили республика касаба уюшма ташкилотлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 183 441 нафар оила ва фуқарога касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида 116 млрд. 969 млн. 700 минг сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Касаба уюшмаларига қарашли соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этиш орқали Навоий вилоятида 16 та, Хоразм вилоятида 20 та, Сурхондарё вилоятида 20 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, йил давомида касаба уюшмалари тизимидаги сиҳатгоҳларда ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни имтиёзли соғломлаштириш йўналишида самарали кўрсаткичларга эришилди. Соғлом бола йилида тизимдаги санаторийларда «Она ва бола» бўлимлари, болалар хоналари ҳамда ёзги болалар ўйингоҳлари ташкил этилиб, замонавий услубда жиҳозланди. Бундан ташқари, касаба уюшмаларининг доимий акциялари доирасида болажонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Ёзги соғломлаштириш мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиғи таъминланди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган вазифаларнинг 2014 йил давомидаги ижроси ҳам сарҳисоб қилинди.

Хусусан, Концепцияга мувофиқ жойлардаги барча корхона, ташкилотларда турли спорт тадбирлари уюштирилиб, спорт-соғломлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Ҳудудий бирлашмалар томонидан меҳнат жамоаларида “Соғлом она — соғлом бола”, “Миллий спорт ўйинлари билан бирга”, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” каби шиорлар остидаги турли спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этилиб, уларда 840 мингдан ортиқ ходимлар иштирок этди. “Соғлом оила” спорт мусобақалари, “Касаба тур” веломарафони ҳамда “Саломатлик” спартакиадаларида турли тармоқ ходимларининг фаол иштироки таъминланди. Вилоятдаги деярли барча меҳнат жамоаларида “Ходимлар гимнастикаси” йўлга қўйилишига эришилгани аҳамиятлидир. Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида Федерация Кенгаши тавсияларига асосан 30556 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 4 млн. 500 мингга яқин ходимлари ўртасида гимнастик машқлар ташкил этилиб келинмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги боис мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари изчил мустаҳкамланиб, туризмни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Раёсат йиғилишида ушбу йўналишдаги ишларда касаба уюшмаларининг ҳам фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Федерация Кенгаши қошидаги “Касаба сайр” шўъба корхонаси томонидан ички туризмни ривожлантириш мақсадида 2014 йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан ўтган йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларидан 118108 нафарининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор масканларга саёҳатлари ташкил этилди. Эътиборли томони шундаки, “Касаба сайр” шўъба корхонасининг туризм имконияти, амалдаги акциялари, саёҳат йўналиши ва объектлари тўғрисида маълумотлар берувчи расмий веб-сайти фаолият юрита бошлади. Саёҳатчилар учун қулайлик сифатида ўзлари саёҳат маршрутини тузиб чиқиб, корхонага буюртма бериш имконияти яратилди.

Раёсат йиғилишида яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
“Ishonch” мухбири

Орамиздаги одамлар

Отаназар Раззоқовнинг фидойилиги муносиб баҳоланди. Ўтган йили «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

ҚАДР ТОПГАН МЕҲНАТ

Юксак мукофотни олар экан Отаназар Раззоқовнинг хаёлидан ким эдигу ким бўлдик деган савол кечиб, болалик йилларини эсга олди. Отаси Мамат ака ва онаси Ойсара опа бир умр далада тинимсиз меҳнат қилса-да, косаси оқармади.

Кунларнинг бирида, ота-онаси ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга киришга тайёргарлик кўраётган Отаназарни ёнларига чорлаб, шундай маслаҳат солишди:

— Ўғлим, сен билан бир масалани маслаҳатлашиб олсак, — гап бошлади Мамат ака. — Рўзғоримизнинг аҳволидан хабардорсан. Бунинг устига акаларинг Фарҳод, Бахтиёр ва Матниёз шаҳарга ўқишга кетишган. Биламиз, ўқишинг ёмон эмас, мактабни аъло баҳоларда битираяпсан. Сен ҳам ўқийман деб шаҳарга кетсанг, икки ёш синглинг билан аҳволимиз не кечади? Тирикчилигимиз қандай ўтади? Агар рози бўлсанг...

— Хўп, отажон. Сиз нима десангиз шу.

Отаназар кетмонни елкасига ташлаб, ота-онаси билан далага чиқди. Экин экди, парваришлади. Деҳқон боласи эмасми, серғайрат ва меҳнатсеварлиги билан қишлоқдошлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Ҳарбий хизматда ҳам йигитлик бурчини аъло даражада бажариб, уйига катта сержант унвони билан қайтди. Қалбидаги ёшлик ғайрат-шижоати уни темир йўл соҳаси томон етаклади.

Бундан 29 йил илгари Отаназар Раззоқовни Когондаги 17-йўл қурилиши машиналари станциясига йўл таъмирловчисига шогирдликка қабул қилишди. Корхонанинг обрўли йўл усталаридан бири Николай Бердюгин унга устозлик қилиб, касб сирларини ўргатди. Ўтган даврда Отаназар йўл таъмирловчиси, бригада бошлиғи, йўл устаси лавозимларида фаолият кўрсатди.

Отаназар Раззоқов меҳнат қилаётган жамоа — Бухородаги 17-йўл қурилиши машиналари станцияси «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК тасарруфидаги намунали корхоналаридан бири саналади. Бу ерда иш ҳажми йил сайин кенгайиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Ҳозирда станцияда меҳнат қилаётган 625 нафар ходимнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг барчасига О.Раззоқов устозлик қилади, десак янглишмаймиз. Чунки у ҳар йили 5-6 нафар коллеж битирувчисини шогирдликка олади.

— Жамоамиз мамлакатимизда бунёд этилаётган йирик темир йўл қурилишларида фаол иштирок этиб келяпти, — дейди станция раҳбари Тоҳир Равшанов. — Жумладан, «Келес — Самарқанд», «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон» йўналишидаги темир йўлларни бунёд этишдаги меҳнатларимиз юқори баҳоланди. Бундан 7 йил илгари ҳам Отаназар Раззоқов Президентимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медалига сазовор бўлганди. Айни пайтда, режалаштирилган участкаларда йўл қурилишида модернизация ва ўрта таъмирлаш ишларини юқори даражада олиб бораяпмиз. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, корхонамизнинг 140 нафар ишчи-мутахассиси йирик қурилиш майдони — «Ангрен — Поп» йўналишидаги темир йўл қурилишида фаол иштирок этаётир. Бу ерда ҳам тажрибали Отаназар Раззоқов бошчилигидаги темир йўл қурувчиларининг ғайрат-шижоати бошқаларга ибрат.

Темир йўл қурилиши осон иш эмас. Ўзига хос мураккаб ва нозик жиҳатлари кўп. Мазкур жараён ҳар бир ходимдан билим, малака, тажриба ва ҳушёрликни талаб қилади. Бу жиҳатдан корхона касаба уюшма қўмитаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисининг саъй-ҳаракати ҳам эътирофга лойиқ. Ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўла ҳимояланган. Уларнинг саломатлиги ҳамиша эътиборда. Ишлаш, дам олиш шароити талаб даражасида. Ҳафтанинг ҳар жума куни мунтазам равишда меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида бош муҳандис Баҳодир Раупов бошчилигидаги етакчи мутахассислар соҳа янгиликлари, хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича ўқув машғулотларини олиб боришади. Ходимлар билим ва савияси синовдан ўтказилади. Бу эса эришилаётган муваффақиятларнинг муҳим омилларидан биридир.

Ҳа, орзуларимиз мустақиллик шарофати билан амалга ошмоқда. Оддий касб эгаси Отаназар Раззоқовнинг қадр топган меҳнати, ҳаёт йўли фикримизнинг исботидир.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
“Ishonch” мухбири

Реклама ва эълонлар

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

“GOLDEN BUILD TRADING ” МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Ғиждувон тумани ҳокимининг 2014 йил 24 декабрдаги 1373-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Дорихона биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳар, Шарқ маҳалла фуқаролари йиғини Шарқ кўчаси ҳудудидан 1 (бир) та 120,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 62 145,5 сўм.

2. Ломбард биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳар, Шарқ маҳалла фуқаролари йиғини Шарқ кўчаси ҳудудидан 1 (бир) та 200,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 575 сўм.

3. Хусусий шифохона маскани биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳар Ф.Хўжаев маҳалла фуқаролари йиғини, Муқимий кўчаси ҳудудидан 1 (бир) та 800,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 505 903 сўм.

4. Дорихона биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Фиришкент қишлоқ фуқаролари йиғини, Қассобон қишлоғи ҳудудидан 1 (бир) та 100,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 41 334 сўм.

5. Маҳалла маркази биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Фиришкент қишлоқ фуқаролари йиғини, Қассобон қишлоғи ҳудудидан 1 (бир) та 1500,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 620 017сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ғиждувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танлов ташкилотчиси — “GOLDEN BUILD TRADING” МЧЖ. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 14-уй. Тел: (+99893) 960-31-71, (+99895) 608-71-31, электрон почта: g_b_t@list.ru. Веб-сайт www.gbt.uz **Лицензия: № RR 0117.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига оладилар.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 26 феврал куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 27 феврал куни соат 11:00 да очилади, 2015 йил 27 феврал куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 27 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 17 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 16 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ғиждувон туман ҳокимлиги биносида 2015 йил 17 март куни соат 11:00 да очилади, 2015 йил 17 март куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: **АТБ «Турон банк» Бухоро филиали х/р: 20208000904953182003, (ОКОНХ: 83200, МФО: 00111, ИНН: 302118823.)**

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 14-уй.

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 19 январдаги 1а-сонли буйруғига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

1. Ромитан шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв.метрдан иборат 2 та 1,2-сонли ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси 228 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 09-00 дан 18-00 гача Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 14-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати 2015 йил 2 март куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2015 йил 3 март куни соат 11.00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2015 йил 3 март куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 18 март ва 3 апрел кунлари соат 11.00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул килиш охирги муддати: 2015 йил 18 март куни савдоси учун 2015 йил 17 март куни ва 2015 йил 3 апрел куни савдоси учун 2015 йил 2 апрел куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Golden Build Trading» масъуличти чекланган жамиятининг АТБ «Турон банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904953182003, МФО: 00111, СТИР: 302118823. ХХТУТ: 83200.

Манзил: Бухоро шаҳар, Ҳамза кўчаси 14-уй. тел: (+99895) 608-71-31, (+99893) 960-31-71, E-mail: g_b_t@list.ru. Веб-сайт: www.gbt.uz. Лицензия RR 00117.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси **Баҳодир САПАРБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгаши молия бўлими мутахассиси Комила Ҳалимовага онаси **ҚЎЙСИНОЙ аяси**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Матбуот анжумани

Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга асос бўлаётганлиги қайд этилди.

КЎРСАТКИЧЛАР ОШМОҚДА

2014 йил якунига кўра, Тошкент шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулоти ўсиш суръати 109 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши шаҳар корхоналарининг экспорт фаолияти ривожланишига омил бўлмоқда. Хусусан, 995 та корхона томонидан 1 млрд. 675 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

— «2013-2015 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида ўтган йили 3270 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 3270 та объект ишга туширилди ва 25437 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Саидали Насритдинов. — Дастур доирасида саноатда 11667 та иш ўринли 1091 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Нодир АМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

Унга кўра, 1 АҚШ доллари 2436,16 сўм, 1 Россия рубли 38,43 сўм, 1 ЕВРО 2830,23 сўм.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

2015-yil 27-yanvar, seshanba, № 13 (3518), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Диққат, танлов!

«КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ»

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан республика танловини эълон қилади.

Республика касаба уюшмаларининг юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳамда фахрийларни эъзозлаш, ҳар бир инсон юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишлари, хусусан, "1941-1945 йилларда ги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига асосан кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниши учун зарур шароитларни яратиш, шунингдек, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, инсон омилига, хусусан, касаба уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган хайрли ишларини тарғиб этиш мақсадида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Кексалари эъзозланган юрт» республика танлови эълон қилинади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга тақдим этиладиган материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ибратли ишлар, шунингдек, касаба уюшмаларининг инсон манфаатлари, айниқса, хонадонларимиз кўрки бўлган кексаларимизга ҳар томонлама эҳтиром кўрсатиш, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, дуосини олиш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, Давлат дастурларига мувофиқ меҳнат аҳли, айниқса, эҳтиёжманд, кўп болали оилалар-

га, кўмакталаб инсонларга, қолаверса, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари, мактаб-интернатларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари каби масалалар ўз аксини топиши лозим.

Шунингдек, Президент Фармонлари, ҳукумат ва Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омилларни кучайтириш каби масалалар эътиборга олиниши талаб этилади.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган фаоллар ўртасида ўтказилади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Танловга 2015 йилнинг февралидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ҳамда фоторепортаж ва фотолавҳалар қабул қилинади.

Материаллар босма шаклда икки қатор оралиғида, 4-8 саҳифадан иборат ҳажмда икки нусхада, фотосуратлар электрон шаклда тақдим этилади.

Юборилган ижодий ишларда «Кексалари эъзозланган юрт» республика танловига деб кўрсатилиши шарт.

Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

- фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолиятига оид қисқача маълумот;

- манзили, телефони;

- паспортга оид маълумотлари.

МАТЕРИАЛЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЖЎНАТИЛАДИ:
Тошкент шаҳри — 100165, Бухоро кўчаси, 24-уй, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятига. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ
Танлов ғолиблари иккита йўналишда, учта ўрин бўйича аниқланади. Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади. Мукофотлар 2016 йил 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунида тантанали равишда топширилади.

Барча ижодкорларни танловда фаол иштирок этишга чақирамиз.

ЛАМ ВА ОДАМ

Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган Шенси вилоятида олиб борилган қазув ишлари чоғида бундан 3 минг йил аввал тайёрланган арава топилди, деб хабар бермоқда history.com.

3 минг йиллик арава

Олимларнинг фикрича, арава дафн маросими вақтида ерга кўмилган. Қадимда марҳум билан бирга унга нариги дунёда керак бўлиши мумкин деб ҳисобланган буюмларни кўмиш удуми бўлган.

Археологларнинг фикрича, дабдабали арава яхши сақланган, чунки юзаси лак билан қопланган. У билан бирга ерга от абзаллари ҳам кўмилган. Мутахассислар, шунингдек, от ва қўйларнинг қолдиқларини ҳам топган. Бу маҳаллий аҳолининг кўчманчи қабилалар билан алоқаси бўлганидан далолат беради.

Шенси вилояти Хитойнинг қадим тарих ва анъаналарга эга ҳудуди ҳисобланади. Бутун дунёга машҳур, минглаб сопол жангчилар ўрин олган император Цин Шихуанди дафнаси ҳам айнан шу вилоят ҳудудида жойлашган.

АҚШнинг Шимолий Каролина штатида жойлашган Уайтвалл шаҳри суди хато ҳукм туфайли 40 йил қамоқда ўтирган 70 ёшли Жозеф Слежни озод қилиш тўғрисида қарор қилди, деб хабар бермоқда "ТАСС".

Ҳақиқат қарор топди

1976 йилда Слеж 74 ёшли аёл ва унинг 54 ёшли қизини ўлдирганликда айбланиб, умрбод озодликдан маҳрум қилинган. Бироқ яқинда ўтказилган ДНК таҳлили айбланувчининг ушбу жиноятга алоқадор эмаслигини кўрсатган. Бундан ташқари, асосий гувоҳлардан бири ўша пайтда берган кўрсатмасини инкор этган.

Ишни қайта кўриб чиққан суд Слежни айбсиз деб топган. Қамоқ дарвозаларидан чиқиши билан у журналистларга ҳақиқий кроватда ухлашни ва бассейнда чўмилишни ният қилганини маълум қилган.

Маълумотларига кўра, АҚШда 1973 йилдан буён хато туфайли қамалган 150 киши озод қилинган.

2015 йилда Altra Halo номли янги кроссовкалар сотувга чиқарилади. Ушбу оёқ кийими мунтазам равишда спорт билан шуғулланувчи одамларга мўлжалланган. Бу ҳақда hi-tech.ua сайти хабар тарқатди.

"Ақлли" оёқ кийим

Янги спорт оёқ кийимининг ўзига хослиги таглигига ўрнатилган датчиклардир. Тезликни, қадамлар сони ёки босиб ўтилган масофани кузатувчи оддий фитнес-трекерлардан фарқли равишда, Altra Halo югуриш ритми ва тўпиқнинг ерга тегиш кучи ҳақида статистик маълумот тўплайди.

Бу ахборот iFit интеллектуал соатлари ёки смартфонларга узатилиши мумкин. Фойдаланувчи югуриш чоғидаёқ бу маълумотларни олиши ва югуриш техникасига маълум тузатишлар киритиши мумкин бўлади.

"Ақлли" оёқ кийимларининг нархи 180 АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Унга қўшимча равишда GPS-трекер функциясига эга iFit Ridge ёки Peak соатларини сотиб олиш мумкин бўлади. Бу соатларга уйқу сифати, юрак уриши частотаси, алтиметр, камера, микрофон, NFS микрочипи ҳамда симсиз қувватлантириш механизмлари ўрнатилган. Соатларнинг нархи ҳозирча маълум эмас.

АҚШда бўлиб ўтган кимошди савдосида "Титаник" кемаси ҳалокатидан омон қолган йўловчилардан бирининг мактуби деярли 12 минг долларга сотилди, деб хабар бермоқда Associated Press.

Мактуб нархи — 12 минг АҚШ доллари

Мактуб учун 11 875 минг доллар тўлаган харидорнинг номи маълум қилинмаган. 1912 йил май ойида ёзилган мактубнинг муаллифи бой одамлар учун тикиладиган кийимлар дизайнери Люсил Дафф-Гордон бўлган. У, эри ва яна 10 киши билан 40 кишилик қайиқда қутулиб қолган.

Матбуот ушбу қутқарув воситасини "Пул қайиғи" деб атаган. Дафф-Гордоннинг эри эса қайиқни тезроқ чўкаётган кемадан ажратишлари учун экипаж аъзоларини сотиб олганликда айбланган. Бироқ кейинчалик улардан айблов олиб ташланган.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Лукма

Оғизни тикиб бўлмайди, деган гап бор. Шунинг учун бўлса керак, уй бекаси рўзғори бутлигини ўйлагани ўйлаган. Хуллас, мен ҳам ўша рўзғор деб аталмиш ғорни тўлдириш мақсадида «Ўрикзор» бозорига бордим. Кўз тегмасин, дарвозадан кираверишдан турли-туман маҳсулотлар ифори димоғингизни қитиқлаб, тўкинчиликдан кўзингиз қувнайди. Дўконларни айланиб, бундоқ қарасам, мўлжаллаганимдан ҳам ортиқ нарсаларни харид қилиб қўйибман.

АКЦИЯ

яроқлилик муддати ўтган маҳсулот учунми?!

Яхши кайфиятда бозордан чиқарканман, бир дўкон пештоқидаги «АКЦИЯ» деган ёзувга кўзим тушди. Албатта, харидорларни жалб қилиш учун қўйилган бу «чақириқ» кўплар қатори эътиборимни тортди.

— Ҳорманг, йигитлар, қанақа акция экан?

Ўз иши билан овора сотувчилар қайрилиб ҳам қарашмади. Пештахтадаги маҳсулотларни бир-бир назардан ўтказар эканман, балиқ консервалари устига қўйилган «акция» ёзувини кўриб, тушунгандек бўлдим.

Устма-уст тахланган темир банкалардан бирини қўлимга олиб, яроқлилик муддатига қарадим: 01.01.2015 йилгача. Ана холос, ярамайдиган матоҳни ўтказишга акция қўл келибди да. Қойил-ей!

Демак, шундай катта бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яроқлилик муддати ўтмаганлигига ҳеч қандай кафолат йўқ экан-да. Ахир, ҳар ким ҳам бу нарсага эътибор бермайди-ку!

Эсингизда бўлса, Янги йил байрами арафасида телевидение орқали бир неча марта яроқлилик муддати ўтган консерва маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари ҳақида чиқишлар қилинди. Бироқ, шундай бўлса-да, арзонлаштирилганига қизиқиб... Инсон саломатлигидан ўз фойдасини устун қўйиб, даромад илинжида «акция»ни нишонга қўйганларнинг яқинлари ҳам жабр кўриши мумкинлигини наҳотки бозор раҳбарияти, сотувчилар ўйлаб кўришмаса?! Боз устига, айнан савдога қўйилган, айниқса, егулик маҳсулотининг сифатини назорат қиладиган масъуллар нима учун бундай найрангбозликга йўл қўйиб берди экан?

Ҳар қандай вазиятда ҳам унутмаслик керак: инсон яшаш учун тановвул қилади ва айнан шу мақсад учун ишлаб пул топади. Ҳар икки ҳолатда ҳам истеъмолга сифатли, яроқли, луқманинг ўрни беқиёсдир. Бу ёғи эса бозор маъмурияти ва сотувчиларнинг виждонига ҳавола.

Раъно МАҲКАМОВА, "Ishonch" мухбири

Ходимлар гимнастикаси

Қунт — ирода ҳосиласи. Қувват — ишчанлик, баракали меҳнат ва юқори унумдорлик кафолатидир. Бирор юмушга қўл уриш, уни адоғига етказиш учун ҳам, аввало, қунт ва қувват керак. Ўзини англаб, имкониятларини ошириб боришдан эринмаган ҳар бир киши чарчоқ нелигини унутади, ишига барака киради. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётда қўллашга тавсия этилган ходимлар гимнастикаси соғлом турмуш, соғлом меҳнат муҳитини яратишга хизмат қилаётганида ҳам ана шу эзгу мақсадлар мужассам.

САЛОМАТЛИККА НЕ ЕТСИН!

Самарқанд вилоятидаги 3697 тадан ортиқ ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган 425895 нафар ходим, яъни умумий ходимлар сонининг тўқсон фоизга яқини касаба уюшмалари шафелигида, иш берувчилар билан келишган ҳолда меҳнат вазифаларига қараб гимнастика машғулотларига жалб этилгани эътирофга молик дир.

— Ходимлар гимнастикаси мунтазамлигини жамоатчилик асосида назорат қилиб боришга 4797 ходим масъул этиб белгиланган, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Бирлашманинг масъул ходимлари ташкилотлардаги мазкур жараёнларнинг муттасил ўтказиб борилиши юзасидан мониторинг ўтказмоқда. Муддао — ҳар бир жамоада соғлом иш муҳити яратилишига эришишдир.

Ходимлар гимнастикасига "Каттақўрғон парранда" МЧЖ маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти алоҳида эътибор қаратмоқда. Сабаби оддий. Анчайин талабчанлик талаб этиладиган мазкур корхонада иш жараёнида толиқиш сезилади, албатта.

Корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Неъмат Ҳайитовнинг эътироф этишича, ходимлар гимнастикаси туфайли иш унумдорлигида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 487 ходим учун иш вақтининг маълум қисми жисмоний танаффусга ажратиб берилган. Тавсияга мувофиқ, жисмоний ва руҳий машғулотларни тоза ҳавода, махсус ажратилган майдончаларда амалга оширишга катта аҳамият берилмоқда.

— Бажараётган ишимизнинг ўзига хос мураккабликлари бор, — дейди корхона ходими Ҳабибулло Шокиров. — Асабларда ҳам, аъзоларда ҳам зўриқиш бўлади. Мана бир йилдирки корхонамизда ходимлар гимнастикаси боис анча енгиллик сезяпмиз. Мен велоспортга меҳр қўйганман. Ўтган йилда касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган "Касаба тур"нинг туман босқичида муваффақият қозониб, вилоят босқичида ғолиблар сафидан жой олдим.

— Илгарилари ишдан уйга ҳориб-чарчаб борардим, — дейди ходим Наврўз Худойқулов. — Сал нарсага асаблар жунбушга келарди. Гимнастика фойдасини яққол сезяпман. Серзардалик йўқолди. Танага куч кириб, ўзимизни бардам сеза бошладик.

Жамшид Нормуродов эса ходимлар гимнастикасини ҳар бир ходим қўмсаб қолишини, бу машғулотлар амалга оширилмаган куни ниманидир йўқотиб қўйгандек ҳис қилишини таъкидлайди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, жамоат ташкилоти тавсияси меҳнат аҳлига манзур ва маъқул бўлмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, "Ishonch" мухбири

ОБ-ҲАВО 27-28 январ

Республика Гидрометеорология маркази-нинг хабар беришича, 27-28 январ кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, қор ва ёмғир ёғади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент	Нукус	Урганч	Бухоро	Навоий	Қарши	Термиз	Самарқанд	Жиззах	Гулистон	Фарғона	Наманган	Андижон
-5...-3,-2...0	-10...-5,-10...-5	-8...-3,-7...-2	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-2...+3,-2...+3	-2...+3,-2...+3	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0	-5...0,-5...0
-13...-11,-13...-11	-20...-15,-20...-15	-15...-10,-15...-10	-13...-8,-13...-8	-13...-8,-13...-8	-10...-5,-10...-5	-10...-5,-10...-5	-13...-8, -13...-8	-13...-8, -13...-8	-13...-8, -13...-8	-13...-8, -13...-8	-13...-8, -13...-8	-13...-8, -13...-8

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 20:50
Topshirildi — 21:20

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 115 19629 nusxada bosildi 1 3 56